

**ЛОЙИХА-СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ
ВА ДАВЛАТ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТЎГРИСИДА
ШАРТНОМА № 08/33-ЛСХ**

2022 йил “13” апрель

Тошкент шахри.

“Ўрмонқурилиш” давлат унитар корхонаси (куйидаги матнларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан корхона Низоми асосида иш юритувчи унинг директори **Сафаров Бобокул Бердиёрович** бир томондан ва “**NEW MILLENNIUM PROJECT**” маъсулияти чекланган жамиияти (куйида матнларда «Лойихачи» деб юритилади) номидан жамиятнинг Низоми асосида иш юритувчи раҳбари **Зокиров Фаррух Салимович** иккинчи томондан, “**Далварзин**” давлат ўрмон хўжалигига сув насосини ўрнатиш (объект номи) обьектида лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказишга доир мазкур шартномани имзоладилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2.“Лойихачи” мазкур шартнома шартларига кўра “Далварзин” давлат ўрмон хўжалигига сув насосини ўрнатиш (объект номи) обьектида лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича “Лойихачи” томонидан бажариладиган лойиха-смета хужжатларини тайёрлаш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш ишларини харид қилиш комиссиясининг 08.04.2022 йилдаги № 60837 лот рақамли баённомага асосан барча соликлар (шу жумладан, ҚҚС) билан қиймати **12 500 000 (үн икк милион беш юз минг)** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- лойиха қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг лойихалаштириш ишлари бўнак маблағларни олган кундан бошлаб бир ойдан ортиқка ўзайтирилганда.

5. Лойихалаштириш ишларининг муддати бир ойдан ортиқ бўлганда иккинчи ойга шартномавий нархларни аниқлаштириш амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва ўзгартирилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” билан “Лойихачи” ўртасидаги шартномага қўшимча шартнома билан расмийлаштирилади.

3. ЛОЙИХАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома имзоланган кундан эътиборан ишларни бошлайди ва барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинадиган кучлар билан тасдиқланган ҚМҚ қоида ва қулланмалар ва мазкур шартноманинг хужжатларига асосланиб бажаради ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади. Буюртмачининг бўлим бошлиги билан бажариладиган иш босқичларини келишади, бажарилаётган ишлар ҳакида бўлим бошлиғига ахборот тақдим килади.

8. Буюртмачининг рухсатисиз ишларни бажариш учун учинчи шахсга бермайди.

4. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

9. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда ишларни бажариш учун бирламчи, рухсат берувчи хужжатларни тайёрлашда «Лойихачи»га ёрдам бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий назоратни ва мазкур шартномада қайд этилган «Лойихачи» томонидан қабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, «Лойихачи»дан тугалланган ишларни қабул килиб олишни таъминлайди.

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

10. Шартнома:

- миллий валюта ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;
- кейинчалик ЭАВга конвертация килган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома қонун хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Танлов савдолари натижаси буйича лойихани топшириш муддати **5- кун (иш куни)**.

6. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.

12. Буюртмачи Лойихачига шартнома буйича ишларни умумий, шартномавий-жорий кийматининг **30** фоизи микдорида бўнак (аванс) маблагини ўтказиб беради. Якуний колган **70** фоиз маблағларни лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш ишлари буюртмачига тўлик тогширилгандан кейин амалга оширади.

13. “Буюртмачи” томонидан “Лойихачи”га аванс ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвал (1 ва 2 - илова)лари асос ҳисобланади.

14. “Лойихачи” лойихани фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳукукини ўзида сақлаб қолади. Бажарилган ишлар Буюртмачига топширилгунга қадар лойиханинг тасодифий йўқ килиниши ва шикастланиши хавфи “Лойихачи”нинг зиммасида бўлади.

15. Шартномани амал қилиш муддати шартнома имзоланган кундан эътиборан 2022 йил “30” декабрь кунига қадар.

ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

16. “Буюртмачи” бажариладиган ишларга мутахассис тайинлайди. Мутахассис бажариладиган ишлар босқичларини келишади, лойихачи бажарилаётган ишлар ҳакида ахборот тақдим қиласди.

– мутахассис “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан назоратни амалга оширади, шунингдек, “Лойихачи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофилигини текширади.

8 . ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (форс-мажор) ҲОЛАТЛАРИ.

17. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан кисман бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

18. Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равища узайтирилади.

19. Агар томонлар бир ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб қилишга ҳаклидир.

9. КАФОЛАТЛАР.

20. Лойихачи, барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини кафолатлайди.

10. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

21. “Буюртмачи” куйидаги холларда шартномани бир томонлама, “Лойихачи”ни ёзма равища хабардор килган ҳолда бекор килиш ҳукукига эга:

-шартнома кучга киргандан кейин лойихалаштириш ишларининг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Лойихачи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганди;

-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати “Лойихачи”нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, “Лойихачи” томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

-“Лойихачи” томонидан шартнома шартларига кўра тасдикланган ШНК ва ҚМҚ нормалари ва кулланмаларига риоя килмасдан лойиха ишлари килинганда.

Бундан ташкари, “Буюртмачи” қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар буйича шартноманинг бекор килинишини талаб қилиш ҳукукига эга.

22. Мазкур шартномани бекор қилишга карор килган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга асосланган важларни келтириб ёзма билдиришнома юборади.

23. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

24. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда:

- айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

-Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Конунида ва бошқа конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

25. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, давлат бюджети томонидан берилган маблагни ўз вақтида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Лойхачи»га кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод килмайди.

26. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун “Буюртмачи” “Лойхачи”га ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

27. “Лойхачи” смета-хужжатларини ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим. “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Лойхачи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўлаш “Лойхачи”ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод килмайди.

28. Агар бажарилган ишлар иш хужжатларига мувофиқ бўлмаса, “Лойхачи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида жарима ундириш хуқукига эга.

29. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бой берилган фойдалан ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

30. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажарышдан озод килмайди.

12. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

31. Шартномани бажариш ва бекор килишда, шунингдек етказилган заарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар узаро оғзаки ёки ёзма равишдаги мулокотлар орқали ҳал этмаса белгиланган тартибда Иктисадий суд томонидан кўриб чиқилади.

13. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

32.Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилиги, Газначилиги рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 2022 йилнинг 30 май кунигача амал қиласди

33. “Лойхачи” лойхага ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини “Буюртмачи”нинг рухсатисиз, бирон-бир учинчи томонга бериш хуқукига эга бўлмайди.

34. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакикий хисобланади.

35. “Буюртмачи” билан “Лойхачи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

36. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари нормалари қўлланилади.

37. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

**“БҮЮРТМАЧИ”
“ЎРМОНҚУРИЛИШ” ДУК**

Манзил: 100126, Тошкент шаҳри. М. Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 2-А уй. Тел: (97) 462-72-00,
Молия вазирлиги Ғазначилиги
X/p 23 402 000 300 100 001 010
Марказий банкнинг Тошкент шаҳар ҲҚҚМ
МФО: 00 014, ИНН: 305 638 958
Шхв: 100010860262947049801142066

Директор Б.Э. Сафаров



ХУҚУКИЙ ХУЛОСА

Ушбу шартнома (Контракт) даги тарафларнинг муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Бюджет кодекси ҳамда “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида” ги қонун талаби билан тартибига келтирилади. Шартнома (контракт) шартлари ва тўлов тартиби, томонларнинг жавобгарлик меъёрлари ҳамда низоларни ҳал килиш тартиби амалдаги конун нормаларига мос келади.

Юкоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида” ги қонуннинг 21-моддаси тартибида ушбу тузилаётган шартнома (контракт) лойиҳасини кейинчалик тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолаш ва томонлар ўз мажбуриятларини ижро этишлари учун тавсия этаман.

Бунда тарафлар солик қонунчилигига ва банк амалиётини белгиланган тартибда бажаришлари ҳамда бюджет ва шартнома интизомига амал килишлари тавсия этилади.

Бош юрисконсульт:

А.Бозоров

**“ЛОЙИХАЧИ”
«New Millennium Project» МЧЖ**

Юридик манзили: Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек т. Корасув 4-мавзей 2/1-уй;
Банк номи: «Турон банк» Юнусобод ф-ли
Х/Р: 2020 8000 905 098 021 001
МФО: 01144 **ИНН:** 306 524 126
ОКОНХ: 41100
Телефон: 99 908 3003 , 90 134 6807

Директор:



Ф.С. Зокиров

1-илова
№ 08/33-ЛСХ шартномага
2022 йил “13” апрель

БАЁННОМА

ШАРТНОМАВИЙ НАРХНИ КЕЛИШИЛГАНЛИГИ ХАҚИДА.

Объект номи

Шартнома № 08/33-ЛСХ “13” апрель 2022 йил.

Биз қуидагилар «Буюртмачи» Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонаси директори Б.Сафаров, «Лойиҳачи» номидан “NEW MILLENNIUM PROJECT” маъсулияти чекланган жамияти раҳбари **Зокиров Фаррух Салимович** гувохлик берамизки томонларнинг юкоридаги ишларни бажаришни шартномавий нархининг умумий микдори:

12 500 000 (ўн икк милион беш юз минг) сўм ҚҚС билан.

Ушбу баённома узаро муносабатларда хисоб-китоблар хамда туловлар учун «Буюртмачи» ва «Лойиҳачи»га асос хисобланади.

“БЮОРТМАЧИ”

Директор

Б.Сафаров



“ЛОЙИҲАЧИ”

Директор:

Ф.С. Зокиров



Бажариладиган ишларнинг тақвимли режаси

Лойханинг номи: "Далварзин" давлат ўрмон хўжалигида сув насосини ўрнатиш

№	Ишнинг тури	ишлар бошланиши ой, йил	муддатлари	Хисобий баҳоси (сўм)
			Тугаши ой, йил	
1	2	3	4	5
1.	"Далварзин" давлат ўрмон хўжалигида сув насосини ўрнатиш лойиха-смета хужжатларини тайёрлаб бериш ҳамда давлат экспертизасидан ўтказиш	Аванс олинган кундан бошлаб	Аванс олингандан сунг, 5 кун иш куни	12 500 000 (үн икк миллион беш юз минг)сўм ҚҚС билан.

Эсламма: Бажарувчи ишларнинг бошланиши ва тугалланиш муддатларини шартноманинг имзоланиши ҳамда хисоб рақамига аванснинг келиб тушишига қараб ўзгартириш хукуқини ўз зимасида қолдиради.

“БҮЮРТМАЧИ”

Директор

Б.Сафаров



“ЛОЙИХАЧИ”

Ф.С. Зокиров



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Үрмөнқурилиш” ДУК
директори

Б.Б Сафаров

2022 йил “13” апрель



“Үрмөнқурилиш” ДУК томонидан Тошкент вилояти “Далварзин”
давлат ўрмон хўжалигида сув насосини ўрнатиш бўйича
танлов комиссияси йигилишининг 2-сонли
БАЁННОМАСИ

2022 йил “13” апрель

Тошкент ш.

ҚАТНАШДИЛАР:

У.Маматов	Умумий ишлар бўйича директор ўринбосари-танлов комиссия раиси
И.Наматов	Мухандис- танлов комиссия аъзоси
Ш.Исламов	Курилиш-пудрат ишлари ва уларнинг лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи, танлов комиссия аъзоси
У.Абдилакимов	Бош мутахассис танлов комиссия аъзоси
С.Шермуҳамедов	Бош мутахассиси танлов комиссияси котиби

КУН ТАРТИБИ:

“Үрмөнқурилиш” ДУК томонидан Тошкент вилояти “Далварзин”
давлат ўрмон хўжалигида сув насосини ўрнатиш бўйича
муҳокамага жойлаштириш

(Сафаров, Маматов, Наматов, Исламов, Абдилакимов, Шермуҳамедов... Сафаров)

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан комиссия аъзоси - директор ўринбосари У.Маматов сўзга чиқиб, Тошкент вилояти “Далварзин” давлат ўрмон хўжалигида сув насосини ўрнатиш бўйича лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш ва давлат экспертизасидан ўтказиш кераклигини таъкидлаб ўтиб, объектни etender.uzex.uz сайтида 14 801 000 сўмга 60837-сонли лот рақами берилганлиги маълум қилди. Тақдим этилган учта корхона таклифлари билан комиссия аъзолари атрофлича таништириб чиқилди.

Курилиш-пудрат ишлари ва уларнинг лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи Ш.Исламов ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуннинг талабларига қатъй риоя килиш бўйича ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари маблағларни мақсадли тарзда фойдаланишлари лозимлиги тўғрисида тушунтириш бериб ўтди.

Харид комиссияси аъзоларида мазкур 60837-сонли лот иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алоқалар мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг (ЎРҚ-684-сон, 22.04.2021й.) 23-моддасига қўра, иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур 60837-сонли лотда иштирок этмаяпти.

Мұхомамага күйилган масала юзасидан 2 (икки) иш куни давомида ҳеч қандай таклифлар келиб тушмади ва норозиликлар билдирилмади.

Маълумотлар stat.uz сахифаси орқали текширилди.

Лойиҳачи ташкилотлар томонидан берилган таклифлар (нархлар, баллар) қуидагича белгиланган:

№	Иштирокчи номи	Таклиф этилаётган нарх	Балл
1	ООО “SILVER RAIN PROJECT”	12 500 000	88,5
2	ООО “NEW MILLENNIUM PROJECT”	9 500 000	90,0
3	O’RMONLOYIHA LOYIHALASH INSTITUTI	-	-
4	BAGDAN SYOMKA SERVIS МЧЖ	-	-
5	ООО KESH GRAND GROUP	-	-

Комиссия аъзоларининг хulosасига кўра **ООО “SILVER RAIN PROJECT”, O’RMONLOYIHA LOYIHALASH INSTITUTI, BAGDAN SYOMKA SERVIS МЧЖ ва ООО KESH GRAND GROUP** корхонаси томонидан таклиф қилган нархлар энг паст деб топилди.

Комиссия қарор қиласи:


1. Тошкент вилояти “Далварзин” давлат ўрмон хўжалигида сув насосини ўрнатиш бўйича **ООО “NEW MILLENNIUM PROJECT”** корхонаси томонидан берилган таклифи бир овоздан макуллансин.

2. **ООО “NEW MILLENNIUM PROJECT”** танлов голиби деб топилсин ва ушбу корхона билан шартнома имзолаш мақсадга мувоғик деб белгилансин.

Ушбу баённома ижросини назорат қилиш ҳамда амалга ошириш корхонанинг Курилиш-пудрат ишлари ва уларнинг лойиҳалаштириш бўлими бошлиғи Ш.Исламов зиммасига юклатилсин.


Танлов комиссияси аъзолари:

У.Маматов




Умумий ишлар бўйича директор
ўринбосари-танлов комиссия раиси

И.Наматов




Мухандис- танлов комиссия аъзоси

Ш.Исламов




Курилиш-пудрат ишлари ва уларнинг
ложиҳалаштириш бўлими бошлиғи,
танлов комиссия аъзоси

У.Абдилакимов



Бош мутахассис танлов комиссия
аъзоси

С.Шермуҳамедов



Бош мутахассиси танлов комиссияси
котиби